VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

45 (262) ● 2013 йил 20 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси тизимини ҳар томонлама етук, малакали кадрлар билан бойитиш самарали натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ



ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Катта халқ сайиллари, байрамларини кураш ўйинларисиз тасаввур этиш қийин. Бугун ушбу спорт тури нафақат халқимиз, балки бутун дунё спорт ишқибозларининг диққат-эътиборида

8 КЎЗГУ

## Хабарлар

### Ўзбекистон матбуоти жамият тараққиётига хизмат қилмоқда

**Тошкентда 19 ноябрь куни Ўзбекистон матбуоти III Миллий форуми бўлиб ўтди.**

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнини оширишга бағишланган ушбу анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар қатнашди. Форум иштирокчилари демократик ислоҳотлар очиқлиги ва транспарентлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни илгари суришда оммавий ахборот воситалари фаоллигини ошириш, журналистларнинг касб ва одоб мезонлари каби масалаларни атрофлича муҳокама қилди. Тадбир доирасида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган «Эътироф» ижодий кўрик-танлови ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

### Интеллектуал мулк объектлари

**Хоразмда “Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси” мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

Унда интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича асосий қонун ҳужжатлари ҳақида тушунчалар берилиб, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, товар белгилари ҳуқуқий муҳофазаси ҳамда интеллектуал мулк учун патентнинг моҳияти ва патент тизимининг вазифалари, мулк агентлигида рўйхатдан ўтказиш тартиби юзасидан маълумот берилди. Интеллектуал мулк объектлари ноқонуний муомаласининг олдини олиш, контрафакт маҳсулотлар тарқалишига қарши кураш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил этилди.

### Ардоғимсан, ифтихорим — Ўзбекистоним!

**Бухоро вилоят мусиқали драма театрида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти кенгаши томонидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган “Ардоғимсан, ифтихорим — Ўзбекистоним” шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.**

Ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда аждодларимизнинг бой мероси, истиқлол йилларида халқимиз эришаётган юксак муваффақиятлардан фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган тадбирга умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари жалб этилди.

## Партия лойиҳаси





# Самарқандда минтақавий семинар



**унда илғор тажрибалар ўрганилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинди**

*Самарқанд инсоният тарихида қадимий маданият ўчоғи сифатида жаҳонга танилган шаҳарлардан бири. Мустақиллик йилларида шаҳарнинг бой тарихи, маданиятини ўрганиш, уни кенг тарғиб этиш, тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳларни асраб-авайлаш ва обод қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларда улкан янгиланиш ва ўзгаришлар, ислоҳотлар изчил давом этмоқда.*

Бу кўҳна шаҳарда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан “Партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришнинг долзарб вазифалари” мавзусидаги икки кунлик минтақавий амалий семинар ташкил этилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди:

— Олий Мажлис Қонунчилик палаталаси ҳамда Сенатининг қўшма йиғилишида Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепция давлат бошқарувини янгилаш, мавжуд демократик принципларни кенгроқ жорий этиш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган ЎзМТДП, унинг ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига ҳам улкан масъулият юкланади. Мазкур жараёнда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш, партиямиз илгари сураётган ғояларни кенг жамоатчиликка етказиш ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ЎзМТДП фаолларидан янада ташаббускорлик талаб этилади.

2-бет

## Қонунчилик палатасида

# 2014 йилги Давлат бюджети

**депутатлар томонидан тасдиқланди**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов ҳамда Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилдилар.*

Мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси 2013 йил январь ойида ўтказилган Ҳукумат мажлисида Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларининг прогноз баҳоси асосида ишлаб чиқилган. Таъкидланганидек, Бюджет лойиҳаси иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишини, иқтисодий барқарорликни, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини, ташқи савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини сақлаб қолишга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган.

2014 йилда ялпи ички маҳсулот 108,1 фоизга, саноат маҳсулоти 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 106 фоизга ва капитал қўйилмалар 109,5 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда. Давлат бюджети лойиҳасида юридик шахсларнинг фойдасидан олинадиган солиқнинг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда, бу эса 132 миллиард сўмни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини беради. Жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ бўйича даромадларга солиқ солишнинг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга камайтириш кўзда тутилмоқда.

Таъкидланганидек, мамлакатимизнинг келгуси йилдаги асосий молиявий ҳужжатида ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларини янада ривожлантиришга, умуман, меҳнат ҳақини жадал оширишга, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга катта эътибор қаратилган. Жумладан, 2014 йилда таълим соҳасига ажратиладиган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизини, соғлиқни сақлашга ажратиладиган харажатлар эса ЯИМнинг 3,1 фоизини ташкил этади.

2-бет

## Ўқув-семинар

# Фаолиятимизни янги босқичга кўтариш

**кадрлар салоҳиятини оширишни тақозо этади**

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган “Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги беш кунлик ўқув-семинарнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.*

Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Андижон, Наманган ва Фарғона вилоят Кенгашлари ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, профессор ўқитувчилар, соҳа мутахассислари ва партия фаоллари иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очиб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Мустақиллик йилларида юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида салмоқли қадамлар ташланди. Бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини эркинлаштиришда бевосита иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш жараёнлари чуқурлашиб бормоқда. Хусусан, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими вужудга келди. Бугунги кунда партиялар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, молиявий шарт-шароитлари мустаҳкамлангани боис уларнинг жамиятни янгилаш ва модернизация қилиш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда муҳим қарорлар қабул қилишдаги таъсири тобора ортиб бормоқда. Мазкур жараёнда партиямиз мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни чуқур англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий истиқлол мафкурасини мустаҳкамлаш каби эзгу ишларни босқичма-босқич, изчил ва тизимли ривожлантиришга кўмаклашиб келмоқда.

3-бет

**Диққат, обуна!**

«Milliy tiklanish» газетасига 2014 йил учун обуна бўлишни унутманг. Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

**Индекс: 158**





“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



Партия лойиҳаси





# Самарқандда минтақавий семинар

## унда илғор тажрибалар ўрганилиб, келгуси вазифалар белгилаб олинди

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, дастурий мақсадларни амалга оширишда Самарқанд вилоят Кенгаши фаоллик кўрсатмоқда. Биргина аъзолар сонига эътибор қаратадиган бўлсак, партия сафидаги 20 минг нафарга яқин аъзолар Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келади. Бугунги кунда сафдошларимиз сонини кўпайтириш, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни кенг тарғиб қилиш, ёшлар ва аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ташкил қилишда вилоят Кенгашида маълум бир тажриба шаклланган. Бу каби тажрибаларни партия тизимида кенг қўллаш, шунингдек, келгуси режа ва дастурларимизни белгилаш ва уни амалга оширишда, партия тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларимиз малакаси ва депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини оширишда мазкур семинар муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, Президентимиз Фармойиши билан Самарқанд вилоятида муҳим ҳужжат — "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси синовдан ўтказилмоқда. Бу борада ҳам партиялар олдига муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, аҳолининг барча қатламлари партия ҳақида кенг маълумотларга эга бўлишини таъминлаш мақсадида партиянинг веб-сайтида янги рукнлар очилди. Ҳар бир депутатга савол бериш йўлга қўйилиб, депутатлар томонидан жавоблар қайтарилмоқда. Очиқлик ва ошкоралик тамойили ҳамда Концепцияда белгиланган устувор мақсад-вазифалар асосида кўтарилаётган масалаларни партия ўз вақтида ҳал этишга ҳаракат қилиб келаяпти. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида партияга 2 минг 500 дан ортиқ мурожаатлар келиб тушди, 2 мингга яқин масалалар эса ҳал этилди, - деди партия етакчиси.

Шунингдек, партия раҳбари халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил қилиб, улар олдига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари ҳамда Давлат дастурларининг вилоятлардаги ижроси устидан депутатлик назорати олиб бориш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини янада ошириш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига долзарб масалаларни олиб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев сўзга чиқиб, партияни кенг жамоатчиликка яқинлаштирувчи муҳим омиллар ҳақида тўхталди.

— Мазкур семинар ЎзМТДП ташкилотларининг ўзаро тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бу каби амалий семинарлар давомида ўзаро фикр алмашинилади, амалий таклифлар ўртага ташланади. Партияларнинг сиёсий майдонда тутган ўрни унинг сайловчилар орасига чуқур кириб бориши, аҳоли ўртасида муносиб нуфузга эга бўлиши билан ҳам белгиланади. Бу жараёнда бошланғич партия ташкилотлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Қачонки, қуйи бўғин фаолияти аниқ ва тизимли тарзда ташкил этилса, шунда партия сиёсий куч сифатида ўзини тўлиқ намоён эта олади. Шу боис, энг аввало, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу борада партия шаҳар ва туман кенгашлари уларга таянч ва суянч бўлиши керак.

Шунингдек, тадбирлар ташкил қилишда янгиликка интилиш, бир-бирини такрорлайдиган шиор ва сарлавҳаларга барҳам бериш тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, ҳар бир партия ташкилотида экспертлар фаолиятини йўлга қўйиш, уларга иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ва сиёсатшуносларни жалб этиш, тарғибот-ташвиқот гуруҳларини шакллантириш лозим.

Семинарда партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Анвар Мирзаев "ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгашининг иш тажрибаси: эришилган натижалар, мавжуд муаммолар" мавзусида маъруза қилди.

— Самарқанд тарихий обидаларга бой, туризм имкониятлари кенг ва миллий ҳунармандчилик ривож топган ҳудудлардан биридир. ЎзМТДП вилоят Кенгаши ҳам партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудда туризм ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, янги туристик маршрутларни ташкил этиш, партия электорати бўлган ҳунармандларнинг манфаатларини ифода этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бундан ташқари, партия туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил қилиш ҳамда тадбирлар ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, бугунги кунда партия вилоят Кенгашидаги 352 та бошланғич партия ташкилотига 20 минг нафарга яқин аъзо бирлашган. Халқ депутатлари вилоят кенгашида 8 нафар, туман ва шаҳар кенгашларида 69 нафар ЎзМТДПдан сайланган депутат фаолият кўрсатмоқда. Депутатларимиз томонидан ўтган даврда бир қатор масалалар ҳудудий ва маҳаллий кенгашлар сессияларига олиб чиқилди. Галдаги ишларимиз эса бу каби фаолиятимизни янада самарали давом эттириб, электорат манфаатларига тўлақонли хизмат қилишга қаратилади, - деди нотиқ.

Амалий семинар мобайнида партия туман Кенгашлари раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳам фикр билдириб, ўз тажрибаларини тақдим этишди. Жумладан, ЎзМТДП Нуробод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Улуғбек Тилавов туман Кенгашида ўтказилаётган тадбирлар ва амалий ишлар борасида фикр билдирди.

Ўқув-семинардан кейин иштирокчилар Жомбой туманига ташриф буюриб, ЎзМТДП туман Кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, меҳмонлар вилоят Кенгашидаги энг фаол бошланғич партия ташкилотларида бўлиб, уларнинг тажрибаларини ўрганишди. Хусусан, вилоят "Ёшлар маркази" ва "Билим орзу" нодавлат таълим муассасаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти фаолияти семинар иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. "Билим орзу" НТМ қошидаги қуйи бўғин 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда турли ёшдаги қизиқувчилар учун компьютер саводхонлиги, тил ўрганиш курслари ташкил этилган. Қуйи бўғин томонидан "Камолот" ЁИҲ, "Машҳура" ўқув маркази билан ҳамкорликда "Миллий қўғирчоқлар" кўргазмалари ҳамда "Миллий ўйинлар" фестивали каби тадбирлар ташкил этилиб, партия дастурида белгиланган вазифаларни аҳолига етказиш борасида фаоллик кўрсатилмоқда.

Амалий семинарнинг иккинчи кунида партия вилоят Кенгашлари девон раҳбарлари учун семинар ўтказилди. Унда партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП аъзолари фаоллигини ошириш, "Миллий тикланиш" газетаси учун обунани ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

Маълумки, партия дастурида халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Семинар иштирокчилари ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, Самарқанд туманидаги Самарқанд қоғози "Конигул мерос" хусусий корхонаси фаолияти билан танишдилар. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган Самарқанд қўлбола қоғозининг илк тарихи VIII асрга бориб тақалади. Тут дарахтидан тайёрланаётган қоғоз ўзининг алоҳида сифатига эга. Шу боисдан "Конигул мерос" ЮНЕСКОнинг Самарқандда йўқолиб бораётган халқ санъат турларини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича ҳамкори ҳисобланади. Сув тегирмони воситасида тайёрланаётган қўлбола қоғоз ишлаб чиқаришни самарқандлик уста — ЎзМТДП аъзоси Зариф Мухторов бошқариб келаяпти. Корхонага ташриф партия фаолларида катта таассурот қолдирди.

Самарқандга ташриф буюрган ҳар қандай киши унинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилишни ният қилади. Меҳмонлар вилоят ҳудудидаги ана шундай масканлардан Имом ал-Бухорий, "Шохизинда" мажмуалари, "Улуғбек обсерваторияси" ва бошқа бир қатор тарихий масканларда бўлиб, уларнинг тарихи ва бугунги кўриниши билан янада яқинроқ танишдилар.

## Сўз — тадбир иштирокчиларига

***Баҳодир БОБОЖОНОВ,***
***ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Самарқандга ҳамиша ўзгача ҳаяжон ва энтикиш билан кириб келамиз. Чунки бу замин улуғ аждодларимизга бешик бўлган юрт. Партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси билан ҳар чоракда ўтказилиши режалаштирилган партия ишини такомиллаштиришга оид амалий семинар Хоразмда бошланган бўлса, Самарқандда давом этаяпти. Семинарда депуталикка номзодлар билан ишлашга алоҳида ёндашувлар, бошланғич партия ташкилотлари билан ишлашнинг ўзига хос томонлари, сайловларга тайёргарлик кўриш жараёнида партия туман Кенгашларини зарур идоравий ашёлар билан таъминлаш каби муҳим масалалар хусусида фикрлашиб олдик.

***Ғайрат ҚОДИРОВ,***
***ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:***

— Семинар давомида партия вилоят Кенгашидаги бошланғич партия ташкилотлари фаолияти таҳлил этилди. Бунда қуйи бўғинларнинг партия электорати манфаати билан боғлиқ масалаларга ечим топишда фаоллик кўрсатиши, улар ишини тўғри ташкил этиш, маҳаллий партия кенгашлари ва депутатларнинг бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш, бу борада аниқ механизм ишлаб чиқиш юзасидан ўзаро тажриба алмашдик. Айтиш жоизки, бошланғич партия ташкилотига эътибор кучайса, партия ташкилоти аъзоларининг фаоллиги, жонкуярлиги, масъулияти янада ошади. Буларнинг барчаси электорат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан олиб борилаётган ишларни сифат жихатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

***Даврон САФАРОВ,***
***ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Ушбу сайёр семинарнинг ҳудудий Кенгашларда ўтказилиши бошқа партия ташкилотлари учун ўзига хос тажриба мактабини ўтамоқда. Айниқса, партиямиз устав ва дастурида белгиланган урф-одатларимиз, қадрият ва маданий меросимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказиш борасидаги ишларимизда ушбу семинарлар ўтказилган қадимий вилоятлардаги тарихий мерос, зиёратгоҳлардан олган жонли таассуротлар кейинги фаолиятимизда қўл келади. Семинардан-семинарга унинг мазмун-моҳияти ошиб бормоқда, янги тажрибалар оммалаштирилмоқда, амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилаяпти. Мазкур семинарда партия фаолиятида амал қилиниши лозим бўлган ташкилий масалалар, ижро назорати ва бир қатор тажрибалар хусусида ўртоқлашдик.

***Тўлқин РАЖАБОВ,***
***ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:***

- Семинар жараёнида, айниқса, тажриба алмашувлардан катта таассурот олдик. Хусусан, йиғилишда партия тизимидаги кадрлар салоҳиятини янада юксалтиришда ўқув-семинарларнинг аҳамияти борасида алоҳида тўхталиб ўтилди. Мазкур масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўтказилаётган ўқувларни янги босқичга кўтариш лозимлигини тақозо қилади. Зеро, партия ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш ЎзМТДПнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузи ортишида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис кадрларнинг сиёсий билимини оширишга қаратилган ўқувларни янада кўпроқ ташкил қилиш лозим.

***Сайдулла АБДУРАИМОВ,***
***ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Амалий семинар давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш борасида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, вилоят Кенгашидаги тажрибали ҳамда фаол қуйи бўғинлар фаолияти билан яқиндан танишдик. Бу эса, ўз навбатида, бизнинг Кенгашимиз фаолиятида ҳам асқотиши шубҳасиз. Зеро, қуйи бўғинлар партиянинг энг асосий таянчи ва суянчи ҳисобланади. Қачонки бошланғич партия ташкилотлари фаол ва ташаббускор бўлса, партиянинг нуфузи ҳам юқори бўлади.

***Музаффар ҚОСИМОВ,***
***ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари:***

— Семинарда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш масалалари ўртага ташланди. Бу борада партия етакчиси томонидан аниқ таклиф ва вазифалар белгилаб берилди. Депутатларнинг ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантиришдаги ўрни ва роли, шу билан бирга партия дастурий вазифаларини амалга татбиқ этишдаги фаоллиги жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди. Бу эса, ўз навбатида, депутатлик гуруҳлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Қонунчилик палатасида

# 2014 йилги Давлат бюджети

## депутатлар томонидан тасдиқланди

(Давоми.
Боши 1-бетда)



Бу эса баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш имконини беради. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланадиган харажатлар 2013 йилдаги 59,3 фоиздан 2014 йилда 59,6 фоизга кўпаяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда янги тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг ушбу тоифаларини мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг уй-жой маиший шароитларини яхшилаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган марказлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 1,0 фоизни ташкил этади. Ушбу маблағлар қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашга ва янги ташкил этилаётган турар-жой массивларида ижтимоий инфратузилма объектларини ва ички йўллар барпо этишга йўналтирилади. Хусусан, қишлоқ жойларда намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурига кўра, 2014 йилда барпо этиладиган 11000 та турар-жой қурилиши молиялаштирилмоқда.

Қайд этилганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини кенгайтириш, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш — мамлакатимизни келгуси йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. 2014 йилда 983,6 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланилишини кучайтириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб 2014-2015 йилларда синаб кўриш учун Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга киритиш назарда тутилмоқда.

Ялпи мажлисда мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди. Муҳокамалар давомида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Абдурашид Тўхтабоев 2014 йилги давлат Бюджети лойиҳасига партия нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашди:

— 2014 йилга мўлжалланган мамлакатимиз бош молиявий ҳужжати "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан чуқур ўрганилиб, муҳокама қилинди. Таъкидлаш лозимки, келгуси йилга белгиланган солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳаларини молиявий баланслилигини, ҳудудларнинг мувозанатли ривожланиши, Давлат дастурлари, айниқса, ижтимоий соҳага оид дастурларнинг бажарилишини ҳамда халқнинг турмуш даражасини янада оширишни таъминлашга қаратилган.

Солиқ сиёсатида иқтисодиётни модернизация қилишни янада рағбатлантириш, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга пасайтириш, мол-мулк солиғининг солиққа тортиладиган базасини фойдаланиш муддати 5 йил ўрнига 10 йилдан ошмайдиган асбоб-ускуналар қийматига камайтириш кўзда тутилмоқда. Бу эса партиямиз дастурий мақсадларида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш ҳамда ички бозорни ҳимоя қилиш каби вазифаларга ҳамоҳангдир.

Шу билан бирга, 2014 йил давомида ресурс тўловларини индексация қилинаётганлиги табиий ресурслардан янада унумли ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, бу партиямиз дастуридаги бой табиий ресурслардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадларига мувофиқдир.

Бюджет харажатларида таълим, фан, маданият ва спорт соҳаларини молиялаштириш ва ривожлантиришга ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг 60 фоизи кўзда тутилаётганлиги, биргина таълим соҳаси харажатларининг 2014 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7,5 фоизни ташкил этаётганлиги мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг салоҳиятидан дарак бериб, баркамол авлодни тарбиялашга берилаётган эътиборнинг бекиёс эканлигини кўрсатмоқда.

Бюджетномада мамлакатни барқарор иқтисодий ўстиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг кўзда тутилаётганлиги истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш орқали ички бозорларимизни арзон, сифатли ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш, шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишга хизмат қилади.

Ҳудудларда миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, оилавий тадбиркорликни, сервис соҳаси ҳамда туризмни, айниқса, ички туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, уларга мамлакатимизда яратилаётган қулай иқтисодий муҳитдан оқилона фойдаланишларига кўмаклашиш, уларнинг эркин ривожланишига халақит берувчи омилларни, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этишда партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатларнинг фаоллигини ошириш зарурлиги фракциямиз аъзолари томонидан эътироф этилди.

Айни пайтда партиямизнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда амалга ошираётган "Миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш" бўйича лойиҳасини янги йўналишларни қўшган ҳолда 2014 йилда ҳам давом эттириш, келгуси йил Давлат бюжетида белгиланган параметрларни амалга ошириш борасида тегишли вазирлик, идоралар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилиш фракциямиз масъулиятини оширади, - деди пировардида нотиқ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Ўқув-семинар





# Фаолиятимизни янги босқичга кўтариш

## кадрлар салоҳиятини оширишни тақозо этади

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, парламент палаталари қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" давлат бошқарувини демократлаштириш ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш жараёнларини янги босқичга кўтарди. Концепцияда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани партияларнинг ваколат ва имкониятларини кенгайтириш билан бирга улар зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Яъни партиямиз фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш бугунги кун талабидир. Бунда кадрларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини ошириш ва тарғибот-ташвиқот ишларида таъсирчан шакл ҳамда услубларни қўллаш, партия электорати билан ишлашда депутатлик гуруҳларининг ўрни ва ролини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув-семинар партия ҳудудий кенгашлари девони масъул ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, энг асосийси, партия мақсад ва ғояси, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, партия кадрлар захирасини шакллантириш ва ЎзМТДПнинг барча соҳалардаги фаолиятини таҳлил қилиб бориш имконини беради, - деди партия раҳбари.

Тадбирда алоҳида эътироф этилганидек, ўтган давр мобайнида партия тизимида фаолият кўрсатаётган 700 нафарга яқин ходим ўқув-семинарда иштирок этган. Партиянинг кадрлар соҳасида эришган натижалари билан бир қаторда, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган вазифалари ҳам талай. Бу эса партия кадрлари зиммасидаги масъулиятни янада ошириб, саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади. Бу борада партия тизимини ҳар томонлама етук, малакали кадрлар билан бойитиш самарали натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мазкур беш кунлик ўқув-семинар дастурига "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси", давлат бошқарувини демократлаштириш ва сиёсий партиялар фаоллигини оширишнинг янги босқичи, сайлов қонунчилиги, сайловолди жараёнларида ЎзМТДПнинг иштироки, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсат фаолияти концепциясининг асосий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашнинг замонавий услублари, давлат ҳамда жамият қурилишида замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш, сиёсий фаолиятда имиджнинг психологик механизмлари, сиёсий етакчилик сифатларини шакллантириш, миллий маънавият ривожига "оммавий маданият" таҳдидлари ва бошқа шу каби масалалар киритилди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари Улуғбек Муҳаммадиев сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда замонавий, юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, бу борада Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" муҳим аҳамиятга молик ҳужжат эканлигини алоҳида таъкидлади. — Юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ислоҳотларда, умуман, барча соҳалардаги янгиланишларда сиёсий партияларнинг роли ортиб бормоқда. Эътироф этиш жоизки, партия олдидаги вазифаларнинг қай даражада ижро этилиши кадрлар салоҳиятига, уларни тўғри танлаш ҳамда малакасини ошириб бориш масаласига бевосита боғлиқ. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан ҳар йили партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, аҳоли билан ишлаш борасида янги, замонавий усуллардан фойдаланиш, партия тарафдорлари сонини кўпайтириш мақсадида ўқув-семинарлар ўтказиб келинмоқда.

Семинарлар доирасида ташкил этилган "ЎзМТДП фаолиятини такомиллаштиришда ташкилий-партиявий ва кадрлар билан ишлашнинг замонавий услублари", "Бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги ва масъулиятини янада кучайтириш масалалари", "ЎзМТДП имиджини юксалтириш омиллари ва унда партия фаолларининг роли", "Партия ғояси ва мафкурасини тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш" каби мавзулардаги маърузалар, махсус ўқув-тренинглар, интерактив машғулотлар партия ҳудудий ташкилотлари ва қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш борасидаги ишларни янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, - деди нотиқ.

Ўқув-семинарда сўз олган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев тадбирнинг аҳамиятига эътибор қаратди. — Маълумки, сўнгги пайтларда партиямиз томонидан ўқув-семинарлар сифатини тубдан ошириш орқали партия кадрлар салоҳиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Боиси келгуси йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига навбатдаги сайловлар бўлиб ўтади. Ҳар бир сиёсий партия қатори ҳокимиятнинг вакиллик органларидан кўп ўринни эгаллаш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ҳам асосий мақсадидир. Ўйлаймизки, мазкур ўқув-семинар ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган, замонавий дунёқараш ва билимларга эга кадрларни шакллантириш, партия ҳудудий ва маҳаллий кенгашларида фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш каби долзарб вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади.

— Бугун мамлакатимизда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб, партияларaро рақобат тобора кучайиб бормоқда, - деди семинарда сўзга чиққан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов. — Мазкур жараёнда ҳар бир партия ўз мафкураси ва ғоясини янгича қарашлар билан бойитиши, уни кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиб, сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан мустаҳкам ўрин эгаллашга интилиши табиий. Бу борада, айниқса, бугунги ўқув-семинарларнинг аҳамияти беқиёс.

**Камолиддин САИДҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Тарғибот

# Умуммиллий ғурур ва ифтихор тимсоли



***Улуғ ўтмиш, бунёдкорлик ва яратувчанликка йўғрилган бугунги кунимиз ҳамда буюк келажагимиз тимсоли бўлган байроғимизнинг қабул қилинганига бу йил 22 йил тўлди. Давлатимиз байроғи халқаро майдонда юрт қудрати, салоҳияти, халқимиз ғурур ва ифтихори тимсоли сифатида хизмат қилмоқда.***

ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида "Байроғимиз — озодлигимиз ва мустақиллигимиз рамзи" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия Марказий ва Миробод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Тошкент темир йўл транспорт касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Тошкент темир йўл транспорт касб-ҳунар коллежи директор ўринбосари Баҳром Жуманиёзов ёшларни миллий қадрият ва урф-одатларимизга содиқ руҳда тарбиялаш, энг аввало, Ватанимиз рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуларини сингдиришдан бошланишини, байроғимизни умумифтихор ҳамда ҳурлик тимсоли сифатида қадрлаш ва эъзозлаш барчанинг фуқаролик бурчи эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, давлат байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун билан мустаҳкамланган. Ушбу қонунда байроғимизнинг шакл-шамойили, ундан фойдаланиш тартиб-қоидалари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга". Дарҳақиқат, байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги тимсоли бўлиб келган. Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белги ўз мазмун-моҳияти билан халқимизнинг асрий анъаналари, миллий қадриятларимизни мужассам этган. Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз сайловолди Платформасида ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида баркамол этиб вояга етказиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Давлат рамзлари бўлган - Байроқ, Герб ва Мадҳияни умуммиллий ғурур ва эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялашга кўмаклашишни устувор вазифа сифатида белгилаган. Бугунги тадбир шу каби дастурий вазифалар ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилганидек, Давлат байроғи Республика давлат суверенитетининг рамзидир, - деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Эшмуродов. — Бугунги кунда байроғимиз халқаро майдонда, расмий делегацияларимизнинг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференциялар, жаҳон кўргазмалари ва спорт мусобақаларида мамлакатимиз тимсоли ҳисобланади. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, фуқароларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда бўлган бошқа шахслар давлатимиз байроғини ҳурмат қилишлари шарт ва унга беҳурматлик учун қонун доирасида жазо белгилаб қўйилган. Давлат рамзларидан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги" кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун воситасида мустақил давлатчилигимизнинг муҳим ҳуқуқий асоси бўлган давлат рамзлари тўғрисидаги амалдаги қонунлар янада такомиллаштирилди. Шунингдек, давлат рамзларидан фойдаланишнинг қонуний меъёрлари, тартиб-қоидалари мустаҳкамланди.

Тадбир иштирокчилари томонидан байроқдаги белгиларнинг ҳар бирига алоҳида изоҳлар берилар экан, улар билан боғлиқ тарихий воқеалардан мисоллар келтирилди.

Давра суҳбати сўнгида иштирокчилар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

***Акмал АБДУЛЛАЕВ,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси:***

— Халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган спортчиларимиз шарафига юртимиз байроғи юқорига кўтарилиб, Ватанимиз мадҳияси янграганида барчамизнинг қалбимизни чексиз ғурур, ифтихор туйғулари эгаллайди. Боиси, байроқда мамлакат қудрати, шаъни, ор-номуси мужассам. Шу жиҳатдан давлат рамзларини умуммиллий ғурур ҳамда эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Бу борада ЎзМТДП томонидан партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот тадбирларини мунтазам ўтказишга эътибор қаратиб келинмоқда.

***Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ,***
***тадбир иштирокчиси:***

— Телевидение орқали мамлакатимизнинг чет давлатлардаги ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар бинолари олдида ҳилпираб турган байроғимизни кўрганда беихтиёр тўлқинланиб кетаман. Давлатимиз байроғи Ўзбекистоннинг суверенитети, таъбир жоиз бўлса, буюк келажагимиз тимсолидир. Бугунги тадбирда давлат байроғининг қабул қилиниш тарихи, "Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти билан янада мукаммал танишиш имкониятига эга бўлдим. Қолаверса, ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари томонидан тақдим этилган маълумотлар сиёсий-ҳуқуқий билимларимнинг мустаҳкамланишига хизмат қилди.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Хроника

# Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш

## жараёнида оила беқиёс ўрин тутади

### ФАРҒОНА

ЎзМТДП Ёзёвон туман Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан тумандаги ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ва асраб-авайлашда оиланинг роли" мавзусида кўргазмали тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Ҳунарманд" уюшмаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимлари ходимлари, оилавий тадбиркорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Миллий ҳунармандчиликни асраб-авайлаш ва уни ривожлантиришда оиланинг роли беқиёсдир, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Д.Шерматова. — Таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда аждодларимиздан мерос миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, соҳага хотин-қизлар ҳамда ёшларни кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2012 йилда қабул қилинган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилавий тадбиркорлик, касаначилик ва миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантиришга кўмаклашиш партия сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Бугунги тадбир маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, оилавий тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган партия дастурий вазифаларининг ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, ёш ҳунармандларнинг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб олишлари учун тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбир доирасида ташкил этилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Тадбир якунида бир неча оилавий тадбиркорларга партия туман Кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

### САМАРҚАНД

— Ҳозирги кунда туманимизда оилавий тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда, - деди партия Оқдарё туман Кенгаши томонидан "Оилавий тадбиркорлик — фаровон турмуш гарови" мавзусида ўтказилган тадбирда сўз олган халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат А.Қурбонов. — Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар соҳанинг янада ривожланишида, оилаларнинг мустаҳкам ва фаровон бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилаларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Бугунги тадбир оилавий тадбиркорлик фаолиятини бошлаш арафасида турган ёш оилаларга банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар, уларга яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар тарғиботига қаратилди.

Тадбирда таъкидланганидек, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда молия муассасалари билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутмоқда.

Тадбирда партия туман Кенгаши ходимлари, халқ депутатлари туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ҳунарманд" уюшмаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлимлари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Тошкент вилояти ва Ўртачирчиқ туман Кенгашлари ҳамкорлигида "Партия ташкилотларида кадрлар захирасини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия вилоят, туман Кенгаши ходимлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Партия сафида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан хабардор, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлган, салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантириб бориш долзарб вазифалардан саналади, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Марҳамат Тошматова. — Бу борада партия ташкилотларида ҳафтанинг ҳар жума куни ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформасини ўрганишга қаратилган маънавият ўқув соатларининг ташкил этилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Партия ғоя ва мақсадларини кенг жамоатчилик вакилларига етказиш, электорат вакилларини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш чораларини кўриш партиянинг барча даражадаги ташкилотларида фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимдан алоҳида масъулият талаб этади.

Тадбирда партия ҳудудий ва маҳаллий кенгашларида фаолият кўрсатаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва малакасини ошириш, аҳоли билан ишлаш борасида янги ва замонавий усуллардан фойдаланиш тажрибаларини юксалтириш, партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришга қаратилган ўқув-семинарларни мунтазам равишда ўтказиб бориш муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Хива туман Кенгаши ташаббуси билан "Партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда "Миллий тикланиш" газетасининг ўрни ва роли" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши ходимлари, партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда халқимизнинг бой ва бетакрор миллий қадриятларини асраб-авайлаш, уни ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш ва энг муҳими, миллатнинг ўзига хослигини сақлаш, улуғ аждодларимиздан қолган тарихий мерос ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилишда партия матбуот нашри муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Шунингдек, ЎзМТДП фаолиятини ёритишда "Миллий тикланиш" газетасининг ўрнига алоҳида тўхталиб, таҳририят томонидан амалга оширилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Тадбир давомида газетада нафақат партия ва парламент фаолияти билан боғлиқ материаллар, балки миллий ҳунармандчилик тарихи ва бугуни, маданий мерос намуналарини тараннум этувчи, қадриятларимиз, тарихий қадамжоларимизни асраб-авайлашга чорловчи, партия ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг бўлган мақолалар ҳам эълон қилиб борилаётгани таъкидланди.

**Шаҳзод ВОҲИДОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

**Фракция ҳаёти**



# Аҳоли фаровонлиги

## унга хизмат қилувчи дастур лойиҳаси муҳокама қилинди

***Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Йиғилишда 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 июлдаги мажлисининг баёнига мувофиқ туманлар ва шаҳарлар бўйича, меҳнат бозори эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини, ҳудудларни ривожлантириш дастурларига мос равишда ишлаб чиқилган. Дастур лойиҳаси янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва мавжуд қувватлардан янада тўла фойдаланиш, кичик бизнесни, биринчи навбатда, саноат, қурилиш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаларида жадал ривожлантириш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши кўламини, касаначилик меҳнатининг имкониятларини кенгайтириш, ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига айнан мувофиқ миқдордаги иш ўринлари ташкил этишга ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган.

Иш ўринлари ташкил этиш параметрлари инвестиция дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни чуқурлаштириш, транспорт ва коммуникация қурилиши, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси ва бошқа дастурлар билан ўзаро боғланган.

Эътироф этилганидек, Дастур аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс ва ўзаро боғлиқ чора-тадбирларни ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг иш ўринларини яратиш бўйича салоҳиятини ишга солиш йўли билан амалга ошириш, демографик омиллар ва иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бандлик ва тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Дастурнинг асосий вазифалари 2014 йилда меҳнат бозорининг эҳтиёжи асосида ва республика ҳудудлари ва тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурий ҳужжатларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринлари ташкил этиш жараёнларини рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқларнинг янги иш ўринлари ташкил этиш ва илгари яратилган иш ўринларининг барқарор фаолиятини таъминлаш борасидаги салоҳиятидан самарали фойдаланишни янада кучайтиришдан иборат. Шунингдек, меҳнат бозорида тангликнинг олдини олишнинг амалий воситаси сифатида иш билан таъминлашнинг, айниқса, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг самарали шаклларини ривожлантириш, банд бўлмаган аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш йўли билан меҳнат бозорида фаол ва аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, дастур бажарилишининг туман ва шаҳарлар, тармоқлар ва аниқ корхоналар бўйича тизимли мониторинги ва таҳлили, зарур бўлган ҳолларда 2014 йилда иш ўринлари яратишнинг тасдиқланган параметрларини сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўриш каби вазифалар кўзда тутилган.

Йиғилишда сўз олган ЎзМТДП фракцияси аъзолари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳаси борасида партия сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Дастурда таълим муассасалари, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, касбий тайёрлаш, ижтимоий бандликнинг самарали шакллари, касаначилик, ҳунармандчилик, туризм, хизмат кўрсатиш ва сервис ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган иш ўринларини яратиш юзасидан фикр, таклиф ва тавсияларини билдиришди.

Қизғин муҳокамалар, баҳс-мунозаралар, савол-жавоблардан сўнг фракция аъзолари 2014 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини маъқуллашди ҳамда фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

***Олтиной ЭСОНОВА,***
***ЎзМТДП фракцияси аъзоси:***

— 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳаси меҳнат бозорининг эҳтиёжларига кўра, демографик омиллардан келиб чиққан ҳолда, республика тармоқлари ва ҳудудларини ривожлантириш бўйича мўлжалланган дастурлар асосида ишлаб чиқилган.

Дастурда белгиланган меҳнат бозорида банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштириш йўли билан меҳнат бозорида фаол ва аниқ мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудлар ва тармоқларда янги иш ўринлари ташкил этиш ва илгари яратилган иш ўринларининг барқарор фаолиятини таъминлаш бўйича мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш, касаначилик, миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликда иш билан таъминлашнинг самарали шаклларини ривожлантириш ва қишлоқ жойларда аҳолини банд қилиш, уларни иш билан таъминланишига қаратилган саъй-ҳаракатлар партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари билан ўзаро ҳамоҳангдир.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Қонун кучга кирди**

# Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар

## жараёнида маҳаллий кенгаш депутатларининг фаоллиги муҳим саналади

***Мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига биноан шу йилнинг ноябрь-декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари сайлови бўлиб ўтади. Сайловда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 97 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилган.***

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари сайлови жараёнининг барча иштирокчилари томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз ва оғишмай риоя этилиши, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан фуқароларни таништириш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳам фаол иштирок этишлари лозим. Маҳаллий кенгаш депутатларининг мазкур сайловларда иштироки фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туманлар комиссиялари аъзолари сифатида ўз сайлов округларидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш, оммавий ахборот воситаларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини ёритиб боришда ифодаланади.

Сайловни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнида маҳаллий кенгаш депутатлари аҳоли орасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, сайловга кўмаклашувчи комиссиялар, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари, сайловни ўтказиш тартиби ва якунларини эълон қилиш борасида тегишли тушунтиришлар олиб бориши муҳим аҳамият касб этади. Боиси, жорий йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонунга йигирмага яқин ўзгартишлар киритилган бўлиб, бу бўлажак сайловлар аввалгиларига нисбатан бирмунча фарқланишини англатади. Шу сабабли янги таҳрирдаги қонуннинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот бериш баробарида сайлов жараёнларида холислик ва ҳаққонийликни таъминлашда эътибор қаратиш лозим бўлган зарур тавсиялар бериб борилиши лозим. Қонун нормалари ва талабларини тушунтириш ишларининг олиб борилиши фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини адолатли ва холис ўтказилишига хизмат қилади.

Фикримизча, маҳаллий кенгаш депутатлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёнидаги тайёргарлик ишларида, тадбир ва давра суҳбатларида ҳам фаол қатнашиши лозим. Шунингдек, маҳаллий матбуотда, радио ҳамда телевидениеда маҳаллий Кенгаш депутатлари, етакчи олимлар, экспертлар ва амалиётчиларнинг чиқишларини ташкил қилиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирокида семинарлар ўтказиш, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида фуқаролар томонидан билдирилган таклиф-мулоҳазаларни умумлаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда фаоллик кўрсатиши, партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган маҳалла институтини янада ривожлантириш, маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, оилаларни мустаҳкамлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини янада ошириш каби мақсад ва вазифалар ижобатига хизмат қилади.

**Дониёр АЮПОВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**

# Ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати

***Конституция — қабул қилинадиган барча қонун ва меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ягона тартибга бўйсундирувчи мамлакатнинг асосий қонуни ҳисобланади. Бошқача айтганда, Конституция жамиятнинг бугунги ва эртанги кунини белгилаб берувчи асосий мезон саналади.***



Истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилиб келмоқда. Конституциямизда инсон ҳуқуқлари кафолатларига доир махсус бобнинг мавжудлиги давлатимизнинг бу борада аниқ принципиал йўналишга эга эканлигини кўрсатади. Бош Қомусимиз миллий қадриятларимизни ўзида тўла акс эттиргани ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда тузилгани билан ажралиб туради. Оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ғоясидан келиб чиқиб, Бош Қомусимизнинг XIV боби оилага бағишланган ва унга 4 та модда киритилган. Дунё давлатлари Конституциясининг ҳеч бирида бундай ҳолатни кузатмаймиз. Буни миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, оила институтини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги халқимизга хос бўлган сифатларнинг қонуний ифодаси дейиш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳаларда эришилаётган натижалар замирида Конституция берган ҳуқуқий кафолатлар ётгани ҳеч кимга сир эмас. Дарҳақиқат, қайси мамлакатда шахснинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқлари қонун орқали ҳимоя қилинса, кафолатланса, бундай давлатда иқтисодий ривожланиш, тинчлик ва осойишталик қарор топади.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда ёш авлод вакилларининг Конституция ва қонунлар борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишига асосан бугунги кунда Бош Қомусимиз мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитилиб келинмоқда. Шунингдек, Фармойиш асосида Конституцияга оид кўплаб дарсликлар, рисола ва махсус ўқув қўлланмалар нашр қилиб келиняпти.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлашни, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади. Партия инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун шарт-шароитлар яратиш тарафдоридир. Шу муносабат билан партия — "Ислоҳотлар — инсон учун, унинг эҳтиёжларини қондириш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун" деган ғояни ўзининг асосий шиорларидан деб билади.

Бу борада ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштиришга кўмаклашиш, жамиятда Конституция ва қонунларнинг устувор бўлишига эришиш, Конституциянинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш, демократик жамиятни барпо этишда ёшларнинг иштирокини таъминлаш сингари мақсад ва вазифаларни белгилаган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони Ёшлар масалалари бўлими томонидан ҳар йили анъанавий тарзда "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг кафолатидир" мавзусида мақолалар танлови ўтказиб келинмоқда. Мазкур танловда шу вақтга қадар "Ёшлар қаноти"нинг 500 нафарга яқин фаол аъзолари ўзларининг мақолалари билан иштирок этдилар.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз, бахтли келажагимиз асоси. Шундай экан, уни ўрганиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Ҳамдам НИЁЗОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси**

**Ташаббус ва натижа**

# Электорат манфаатларига хизмат қилиш

## халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи фаолиятининг мезонига айланмоқда

***Бугунги кунда ЎзМТДП томонидан партия Дастури, сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни доимий таҳлил этиш барча соҳаларга доир ислоҳотларнинг жойларда бажарилишини таъминлашда партия депутатлик гуруҳларининг ўрнини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.***

Боиси, партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган масалаларга мутасадди ташкилотлар эътиборини қаратиш, юзага келган муаммоларни кенгаш сессиялари кун тартибига киритиш, қарорлар қабул қилинишига эришиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш депутатлар фаолиятининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар ва амалий ишларнинг аниқ натижалари эса келгуси сайловларга пухта замин ҳозирлайди.

—Партиянинг мақсад ва ғоялари қай даражада тарғиб қилиниши бевосита партия ташкилотларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ, - дейди халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Лола Эгамова. — Электоратимизнинг асосий қисмини ташкил этадиган ҳунармандлар, фан, маориф, маданият соҳаси вакиллари қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ўйлантираётган муаммоларини бартараф этиш орқали хайрихоҳлар ва маслакдошларимиз ишончини қозониш фаолиятимиз асосига айланиши лозим. Депутатлик гуруҳимиз томонидан жорий йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган вилоят Кенгаши сессиясига миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш борасидаги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Қарорларнинг жойлардаги ҳолати, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ, шаҳар ва туманларда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш масаласи киритилган эди. Ўша даврда "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бўлимида 190 нафар аъзо бўлган бўлса, қарор ижросини таъминлаш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, улар сони 220 нафардан ошди. Улар давлат рўйхатидан ўтказилиб, меҳнат ва суғурта дафтарчалари очилди. Вилоятнинг Зомин, Бахмал, Жиззах, Ғаллаорол, Фориш туманлари ва Жиззах шаҳрида "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бўлимлари фаолияти йўлга қўйилди, Пахтакор, Мирзачўл, Зомин, Бахмал туманлари, шунингдек, Жиззах шаҳри бозорларида ҳунармандлар учун махсус расталар ташкил этилди, ҳунармандчилик кўргазмаларини ташкил қилиш ва уста ҳунармандларга тайёр маҳсулотларини сотишда амалий ёрдам кўрсатиш ишлари жадаллашди. Ҳозирда Зафаробод, Янгиобод, Дўстлик, Арнасой туманларида фаолият юритаётган ҳунармандларни қайта рўйхатдан ўтказиш, уюшмаларнинг туман бўлимлари ишини жонлантириш устида иш олиб борилмоқда, - дейди суҳбатдошимиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўп қаватли уйларни таъмирлаш бўйича ҳам мутасадди ташкилотларни жалб этган ҳолда ишларни жонлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, жойларда янги иш ўринларини яратишга кўмаклашиш ишлари ҳам маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

— Фориш туман марказини "Узунбулоқ", "Болғоли", "Соғишмон" қишлоқлари билан боғловчи транспорт воситалари хизмати мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолига анчайин ноқулайлик туғдириб келарди, - дейди халқ депутатлари Фориш туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Қобил Хидиров. — Ушбу ҳудудларга қатновчи киракашларнинг бетартиб ҳаракатлари туфайли мазкур йўналишдаги транспорт воситалари хизматидан фойдаланувчиларнинг ҳаракат хавфсизлиги таъминланмаган эди. Туман аҳолисига сифатли транспорт хизматини кўрсатиш масаласи партия депутатлик гуруҳи томонидан туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилди. Депутатлар томонидан сессия муҳокамасига бир қатор таклифлар тақдим этилди. Хусусан, ҳайдовчиларни туман "Боғдонтранс" аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш кичик корхонасига аъзо қилиш, транспорт хизматини кўрсатувчи янги кичик корхона очиш таклифлари билдирилди. Мазкур масала юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар эътиборга олиниб, сессия қарор қабул қилди.

- ***Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, энг аввало, депутат, қолаверса, у мансуб партия мавқеи ва нуфузини оширувчи муҳим омилдир.***
- ***Сессия қарори ижро этилмоқда: "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари сони 220 нафардан ошди, уларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда.***
- ***Халқ депутатлари Фориш туман Кенгаши сессияси ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан яна бир қарор қабул қилди.***

Қарор ижросини таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар натижасига кўра, бугунги кунда ноқонуний киракашлик билан шуғулланаётган аксарият ҳайдовчилар "Боғдонтранс" уюшмасига аъзо қилинди. Маҳаллий аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ишлари сифати яхшиланиб, бунинг натижасида фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланмоқда.

Албатта, электорат манфаатлари йўлида қилинаётган бу каби ишлар эътиборга лойиқ. Аммо, партия депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлигини янги босқичга кўтариш, амалий ишлар орқали халқ ишончини қозониш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш мудом муҳим вазифа бўлиб қолаверади.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Қарор ва ижро

# Миллий дастурий маҳсулотлар

## ахборот асри ривожида муҳим аҳамият касб этади

***Ахборот асри дея эътироф этилаётган даврда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасини ривожлантириш учун ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар яратиш миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланмоқда. Иқтисодиётнинг алоҳида соҳаси сифатида саналаётган ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда кўплаб мамлакатлар миллий иқтисодиётининг жадал ривожланаётган соҳаси саналади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, улар билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш саноати тезкор суръатда тараққий этмоқда.***

- ***Ўзбекистонда дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 270 дан ошди***
- ***Президентимиз қарорига асосан уларга катта имтиёзлар берилди***
- ***Миллий реестрга кирган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлар, мажбурий ажратма ва бож тўловларидан озод қилинди***

Ўзбекистонда ҳам таълим соҳасига қаратилаётган эътибор натижаси сифатида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорида рўйхатга олинган корхоналар сонининг изчил ошиши кузатилмоқда. 2006-2012 йилларда уларнинг сони 196 тадан 271 тага етган. Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноатида банд бўлган мутахассисларнинг умумий сони эса қарийб 5 минг кишига тенг.

Ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардош дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга кўмаклашиш мақсадида Президентимизнинг 2013 йил 20 сентябрдаги "Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизида Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри (software.uz) яратиш вазифаси қўйилди. Дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар учун Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритиш имтиёзи қатъий белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқболли лойиҳаларни ҳамда инновацион компьютер технологияларини яратиш билан машғул бўлган истеъдодли ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш, миллий дастурий маҳсулотларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорининг ҳолати ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, сифатли миллий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишда кўмак бериш Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгиланган.

Дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчиларни қўллаб-қувватлаш ва соҳа ривожини рағбатлантириш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқиладиган дастурий маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар 2017 йилнинг 1 январига қадар муддатда барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш кўринишида имтиёзлар жорий қилинди.

Маҳаллий дастурий таъминот маҳсулотлари ишлаб чиқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур қарор ижроси мамлакатимизда яратилган интеллектуал салоҳиятдан юқори самара билан фойдаланиш ва улар маҳсулотлари ва хизматларининг халқаро бозорда рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва экспорт салоҳиятини янада мустаҳкамлашга ҳамда халқ фаровонлиги ва аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга қаратилганлиги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиши учун хизмат қилади.

**Эркин ЮСУПОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**



*Бухоро муҳандислик-технология институти қошидаги 1-академик лицейда ёшларнинг пухта билим эгаллаши учун барча шароит яратилган. 1146 ўғил-қиз сабоқ олаётган таълим масканида дарслар ўқитишнинг самарали усуллари — кўргазмали қурол ва янги инновацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўтилмоқда. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида фан, спорт, ҳунар тўгараклари ташкил этилган.*

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**

Тиббий хизмат

# Саломатлик жонкуярлари

— "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"-ги Президентимиз фармонида Соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни оилада, аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш вазифалари белгилаб қўйилган,- дейди Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси бош шифокори Дилфуза Камолова. — Шу боис биз аҳолига хизмат кўрсатувчи шифо масканимизда нафақат беморларни даволаш, балки улар ўртасида профилактика ишларини олиб бориш, хонадонларда, ўқув даргоҳлари ҳамда мактабгача таълим муассасаларида тиббий маданиятга оид тушунтириш ишлари, суҳбат ва савол-жавоблар уюштириб турамиз.

Самарқанд шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникасида айни вақтда 350 нафар тажрибали шифокор ва 364 нафар ўрта тиббиёт ходимлари халқ саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Поликлиника тасарруфида травматология пункти, рентген ва флюрография, акушер-гинекология бўлимлари, репродуктив саломатлик маркази, клиник-лаборатория, вилоят сурдология хоналари бўлиб, аҳоли учун кенг қамровли, сифатли тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Эл хизматига камарбаста тажрибали шифокорлар Дилором Раупова, Дилбар ва Дилором Салоҳиддиновалар беморлар тилидан тушмайди.

— Поликлиникамизга сўнгги бир йил ичида замонавий ЭКГ асбоб-ускуналарининг ўрнатилиши ташхис қўйиш ва даволаш жараёнини янада сифатли ва самарали кечишини таъминламоқда. Бугунги кунда шифо масканимизда сўнгги русумдаги ультратовуш аппарати, компьютерли ЭХО, электроэнцефалография, ошқозон-ичак тизимини текширувчи эндоскоплар, компьютер томографияси хоналари мавжуд. Шуниси диққатга сазоворки, бўлимда беморнинг барча аъзоларини пухта текшириш имкониятлари мавжуд. Экспресс лабораторияда эса қисқа муддат ичида қон таҳлилини аниқласа бўлади. Бу, ўз навбатида, беморни аниқ ташхис асосида тўғри даволаш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида маҳаллалар ва ўқув муассасаларида ҳокимликлар ҳамда хотин-қизлар қўмиталари иштирокида аҳоли билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади. Бундан кўзланган асосий мақсад соғлом авлодни тарбиялаш ва оила мустаҳкамлигига эришишдир. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорига мувофиқ янги оила қураётган йигит-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Бизнинг кўп тармоқли поликлиникамизда "Соғлом она — соғлом бола", "Соғлом оила — соғлом авлод" шиори остида ёшларни оилага тайёрлаш тартиб-тамойили асосида "Оила ва никоҳ" хоналари ташкил этилиб, янги турмуш қураётган йигит-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бу ерда шифокорларнинг нормал фаолият юритишлари учун барча шароитлар етарли. Ҳар бир ходим ўз иши ва белгиланган вазифасини сидқидилдан адо этади. Зеро, бизнинг асосий мақсадимиз инсонлар саломатлигини тиклаш ва уларнинг дардига даво бўлишдан иборат. Ҳамшира ва шифокорларимиз ҳеч қачон улардан ширин сўзи ва ёрдамини аямайди, - дейди бош шифокор.

Дарҳақиқат, Дилфуза Бахриевна билан учрашиб, суҳбатлашиб шифокор қалбининг улуғлигига яна бир бор амин бўлдик. Унинг айтишича, беморни ўз фарзандидек суймаган шифокор ҳақиқий шифокор бўлолмайди. Фарзандингни ширин сўзлар билан алқаганингдек, беморнинг дардига ширин сўз ила малҳам бўлмоғинг зарур. Шифокорлик роҳат-фароғатда яшашга изн бермайди. Эътиқоди баланд шифокорнинг бу сўзлари жуда ўринли. Чиндан-да шифокор бўлиш осон эмас. Очиғи, бу касб фидойиликни талаб этади. Меҳнатдан қочмайдиган, беморларнинг дардига шифо бўлиб, уларнинг миннатдорчилигига сазовор бўлаётган оқ либос эгаларининг меҳнати ҳар қанча мақтов ва олқишга лойиқ.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Анжуман

# Фан доктори

## мамлакатимизда бугунги кунда ушбу илмий даражани берувчи 40 та илмий кенгаш тузилди

***Миллий матбуот марказида "Олий аттестация комиссияси томонидан фан доктори илмий даражасини бериш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар: тажриба ва амалиёт" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Унда таъкидланганидек, Президентимизнинг 2012 йил июль ойида қабул қилинган "Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони асосида юртимизда халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизими жорий этилди. Қолаверса, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил декабрь ойида "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий - педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ юртимиздаги стажёр-изланувчи-тадқиқотчи институтларида илмий иш қилаётган ёш олимлар аттестациядан ўтказилди, уларнинг мавзулари экспертиза қилинди. Шунингдек, "Олий ўқув юртидан кейинги таълим тўғрисида Низом", ОАКнинг янги тузилмаси ҳамда Низоми тасдиқланди. Тадқиқотчиларнинг танлаган мавзусини тасдиқлашдан олдин талабгорларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик фаолият олиб бориш лаёқатини аниқлаш бўйича тест синовлари ҳамда малакавий имтиҳонларни ўтказиш ҳам йўлга қўйилди. Докторлик диссертациялари мавзулари рўйхатдан ўтказилгач, "ОАК Бюллетени" журналида эълон қилинади. Фан доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация тўғрисидаги эълон Олий аттестация комиссиясининг веб-сайти ва бюллетенида эълон қилинади. Ҳимоядан олдинги диссертациянинг автореферати ўзбек, рус, инглиз тилларида тайёрланади ҳамда докторант фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртининг веб-сайти ҳамда ZiyoNet тармоғига жойлаштирилади.

— Бугунги кунда фан доктори илмий даражасини берувчи 40 та илмий кенгаш тузилди, - дейди Олий аттестация комиссиясининг Бош илмий котиби Асқарали Даминов. — Улардан 31 таси етакчи олий таълим, 9 таси эса илмий-тадқиқот муассасалари ҳузурида ўз фаолиятини бошлади. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар таркиби 11 кишидан 21 кишигача этиб тасдиқланган. Уларнинг ҳар бири тўрттагача ихтисослик бўйича илмий ишларни кўриб чиқади. Шу илмий кенгашлар ҳузуридаги илмий семинарлар таркиби ҳам шакллантирилди. Ушбу кенгашлар зарурий техника билан таъминланди, ҳар бирининг интернетда веб-сайти бор. Докторлик диссертацияси ҳимояси ҳақида эълон берилиши лозим бўлган республика газеталари рўйхати тасдиқланди ҳамда ҳимоядан бир ой олдин унинг қаерда ўтказилиши ҳақидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
## «ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун **«Жамият ва мен — 2013»** танлови ўтказилишини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бирлаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

**Танлов йўналишлари**

Танлов қуйидаги 10 та номинациялар бўйича ўтказилади:

— «Юксак маънавият жамият пойдевори» мавзуидаги энг яхши материал;
— «Таълим тизими ислоҳотлари журналист нигоҳида»;
— «Соғлом ёшлар-келажак пойдевори» мавзуидаги энг яхши материал;
— «Фермерлик — имконият ва истиқболлар» мавзуидаги энг яхши материал;
— «ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти» тўғрисидаги энг яхши материал;
— «Соғлом она-соғлом бола» мавзуидаги энг яхши материал;
— энг яхши журналист текшируви;
— интернетдаги энг яхши мақола;
— энг яхши фоторепортаж;
— йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

**Танлов шартлари**

Тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида *(фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси)* маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрига қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказиладиган нуфузли тадбирда эълон қилиниб тақдирланади.

**Танловни ўтказиш тартиби**

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

**Танлов ғолибларига мукофотлар**

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари журналистлар учун ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом, компьютер жамланмаси, планшет, қўл телефони ва шу каби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен-2013» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: info@mmf.uz, fonduz@umail.uz.

**Ташкилий қўмита**

Реклама

# Qishloq Qurilish Bank

***Барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади.***

Миллий валютада:

**"МУСТАҚИЛ ДИЁР"** — муддати 2 ой
**"ХУМО"** — муддати 2-6 ой
**"ИСТИҚЛОЛ"** — муддати 6 ой
**"МУРАББИЙ"** — муддати 5 ой
**"НИЯТ"** — муддати 1 йилдан 5 йилгача

Хорижий валютада:

**"СТИМУЛ"** — муддати 1-3 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**(+99871) 150-76-53, 150-39-93**
**www.qqb.uz**

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

*Хизматлар лицензияланган.*

MILLIY TIKLANISH
45 (262) 2013 йил
20 ноябрь, чоршанба



Бизнинг шарҳ

# МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ

**Швейцария халқ партиясининг фикрича, турли миллат ва элатлар истиқомат қиладиган мамлакатда аҳиллик ва иноқликни таъминлаш тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади**





***XX аср жаҳон сиёсий ҳаётига кўп ўзгаришлар киритди. Булар, авваламбор, одамлардаги сиёсий онгнинг ошиши, сайлаш ҳуқуқининг оммавийлашуви ва бу орқали аҳолининг кенг миқёсда сиёсатга берилиши билан боғлиқ. Натижада асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб дунё айвонида кўплаб ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва жамоатчилик ташкилотлари сафи кенгайди. Шулардан бири сиёсий партиялар бўлиб, улар жамиятдаги долзарб ижтимоий масалаларни олиб чиқиш ва аҳоли қатламларида ўз тарафдорларини топишга ҳаракат қилмоқда.***

Европа марказида жойлашган Швейцарияда ҳам ўтган аср давомида кўплаб сиёсий партия ва ҳаракатлар ташкил этилди. Улар орасида Швейцария халқ партияси мамлакатдаги йирик сиёсий куч бўлиб, расман 1971 йил сентябрдан фаолият бошлаган. Аммо унинг тарихи Цюрих деҳқонлар партияси ташкил этилган 1917 йилга бориб тақалади.

Швейцария халқ партияси (ШХП) ўз сиёсатида "ўнг" популизмга амал қилади. Партия фаолиятидаги устувор тамойиллардан бири — Швейцария миллий манфаатлари ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш ва иммиграцияни чеклашдан иборат. Хўш, бу нималарда намоён бўлмоқда?

Гап шундаки, асрий қадриятлар, урф-одат ва анъанавий турмуш тарзи тарафдори бўлган партия бугунги кунда давлат ва жамиятни янгилаш ҳамда тараққий эттиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш ва ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Партия, шунингдек, солиқлар ва давлат харажатларининг камайтирилиши тарафдори ҳисобланади. 1992 йилда ШХП Швейцариянинг Европа иқтисодий бирлашмасига (ЕИБ) қўшилишга қарши чиққан ягона партия бўлган ва бу масала юзасидан умумхалқ референдумининг ўтказилишига эришган. Референдум натижалари кўра, мамлакат фуқаролари ЕИБ га қўшилиш ғоясини инкор этган. Айнан шу йиллардан бошлаб партия босқичма-босқич ривожланишга эришди.

Партия 1999, 2003 йилги сайловларда ғалаба қозонган. 2007 йилги парламент сайловларида эса ШХП 29 фоиз овоз тўплаб, Миллий кенгаш (парламент)даги 200 ўриннинг 62 тасига эга бўлди. Бунда партия аъзоси Кристоф Блохернинг ҳиссаси катта бўлган. Бундай миқдордаги овозни тўплаш пропорционал сайлов тизими жорий этилгач, 1919 йилдан буён бирорта партияга насиб қилмаганди.

Бугунги сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалардан бири - бу сиёсий жараёнлар ва ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш, жамиятдаги мавжуд муаммоларни кўтариш ва уни бартараф этиш чораларини излаш, бу борада аҳоли, айниқса, электорат билан алоқаларни янада мустаҳкамлашдан иборат. Турли миллат вакиллари истиқомат қилаётган Швейцарияда ҳам сиёсий партиялар мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларда фаол қатнашмоқда.

Бугунги кунда Швейцарияда 7 миллион 800 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, улардан қарийб 23 фоизини хорижликлар ташкил этади. Мамлакатда 64 фоиз аҳоли немис, 19 фоиз француз, 8 фоизи итальян ва бошқа тилларда гаплашади. Миллатлараро тотувликни умумбашарий қадрият деб билган халқ партияси вакилларининг фикрича, турли миллат ва элатлар истиқомат қиладиган мамлакатда аҳиллик ва иноқликни таъминлаш миллий тараққиётни белгилайди, тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Швейцария халқ партияси фаоллари мамлакатда муҳожирлар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётган бир пайтда ҳукумат томонидан кескин чоралар ўрнига, муқобил вариантлар излаш лозим, деб ҳисоблайди. Ҳар бир миллатнинг истиқболи бошқа халқлар ва мамлакатларнинг тараққиёти, жаҳондаги вазият ва имкониятлар билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга мамлакат доирасида миллий манфаатларни тенг қондириш, улар ривожини таъминлаш ҳам мураккаб масаладир.

Ўтган йиллар давомида халқ партияси томонидан иммиграцияни чеклаш, шу билан бирга мамлакатда яшаётган турли элатларга дўстона муносабатда бўлиш борасидаги шиорлари аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг фикрича, миллатлараро тотувлик бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликнинг муҳим асосидир.

Ўз навбатида, Швейцария халқ партияси ташаббуси билан 2009 йил 29 ноябрда мамлакатда миноралар қуришни тақиқлаш масаласига ойдинлик киритиш учун референдум ўтказилди. Партия ҳам бу борада ўзининг аниқ позициясини билдирди. Уларга кўра, Швейцарияда турли ташкилотлар фаолият кўрсатадиган минораларни барпо этиш "мамлакатда динларга сиғиниш"ни кучайтириши мумкин. Натижаларга қараганда, сайловчиларнинг 57,5 фоизи мазкур турдаги бинолар қурилишини тақиқлашни қўллаб-қувватлади.

Швейцария халқ партияси ғояларига кўра, бугунги давр — партиялардан доимо ҳаракатда бўлиш, хатолардан тўғри хулоса чиқариб, мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида кўпроқ амалий ишлар билан шуғулланишни талаб этмоқда. Аниқроқ айтганда, Халқ партияси кейинги парламент сайловларида янада фаолроқ иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда партия ўзининг махсус концепциясини эълон қилган. Унда мамлакатга инвесторларни кўпроқ жалб этиш ва давлат секторини ривожлантиришда аҳолининг турли қатламлари ҳамкорлиги назарда тутилади. Шунингдек, ижтимоий лойиҳаларни ортиқча молиялаштиришни қисқартириш, давлат маблағларини масъулият билан сарф этилишини таъминлаш, анъанавий оилавий қадриятларни ҳимоялаш партия вакилларининг асосий ғояларини ташкил этади. Айни пайтда ушбу лойиҳа юзасидан мамлакатда кенг миқёсда тарғибот-ташвиқот ишлари бошлаб юборилган.

**Беҳбуд БОТИРОВ,**
**"Milliy tiklanish" шарҳловчиси**

*➘ Сиёсий партиялар — давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий ҳокимиятга эришиш ҳамда бошқариш мақсадига қаратилган маълум бир давлатнинг сиёсий ҳаётида фаолият олиб борувчи ва халқнинг қўллаб-қувватлашига интилувчи, тинимсиз фаолият кўрсатувчи ташкилотдир.*

*➘ Швейцария - федерал парламентли республика бўлиб, амалдаги конституцияси 1874 йил 29 майда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент, у Федерал мажлис томонидан Федерал кенгаш (ҳукумат) аъзоларидан 1 йил муддатга сайланади ва қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали (Миллий кенгаш ва Кантонлар кенгаши) Федерал мажлис, ижрочи ҳокимиятни президент ва Федерал кенгаш (ҳукумат) амалга оширади. Ҳар бир кантон ўз конституцияси, парламенти ва ҳукуматига эга.*

*➘ Жаҳонда ишлаб чиқариладиган соатнинг учдан икки қисми Швейцарияга тўғри келади.*

*➘ Швейцарияда 600дан ортиқ музейлар фаолият юритмоқда. Миллий кутубхона, Цюрихдаги тарих музейи, Базел, Берн, Женева ва Цюрихдаги санъат музейлари, Лозаннадаги нафис санъат музейи мамлакатдаги энг йирик музейлар саналади.*

*➘ Швейцария шимолда Германия, ғарбда Франция, шарқда Лихтенштейн ва Австрия, жанубда эса Италия билан чегарадош. Майдони 41,3 минг км2. Аҳолиси 8 миллиондан ортиқ.*

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## Атмосферада кескин ўзгаришлар

**Жаҳон метеорология ташкилоти атмосферанинг 2012 йилдаги ҳолати бўйича ўз ҳисоботини эълон қилди.**



Унга кўра, сўнгги йилларда атроф-муҳитга, инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи моддалар миқдори сезиларли даражада ошган. Хусусан, карбонад ангидрид гази ҳажми 1850 йилдан буён 45, ис гази 1990 йилдан буён 32, метан 167 ва азот оксиди 20 фоизга кўпайган.

## Аляска соҳилларига етган

**Кузатувчиларнинг фикрича, Япониядаги радиация Аляcканинг соҳил зонасида истиқомат қилувчи аҳолига зарар етказиши мумкин.**



Олимлар ифлосланган сув Америка штатининг ғарбий соҳилига етгани ва шимол томонга тарқалаётганидан ташвишда. Экспертларнинг фикрича, япониялик ҳамкасблар радиация борасидаги маълумотлар, мониторинг натижаларни бироз кечроқ ёки реал вақт режимида тақдим этмаяпти. Оқибатда бу борадаги кузатув ишлари маҳаллий университетлар, ноҳукумат ва ҳукумат ташкилотлари томонидан мустақил равишда олиб борилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Япониядаги "Фукусима-1" АЭСидаги ҳалокат 2011 йил 11 март куни зилзила ва цунами оқибатида содир бўлган. Ҳозиргача АЭСда шикастланган реактордан чиқаётган радиация ҳамон бартараф этилгани йўқ.

## Германия автомобиллари қўйилмаган

**Шу кунларда интернетда "Йил автомобили" танловида қатнашадиган автомобиллар рўйхати эълон қилинди.**



Мусобақада 28 русумдаги автомобиллар киритилган бўлиб, автоуловларнинг 70 фоизи Европа, қолган қисми Япония, АҚШ ва Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган моделлар ҳисобланади. Қизиғи шундаки, мусобақада қатнашиш учун Германиянинг бирорта автомобили қўйилмаган. Бироқ Германиянинг "Volkswagen" компаниясида ишлаб чиқарилган машиналар охирги беш йил давомида ўтказилган танловларда тўрт марта ғолиблик шоҳсупасидан ўрин олган.

## Музликлар остида

**Британиялик геологлар Антарктиданинг қалин музликлари остида баландлиги 250 метргача бўлган тунеллар борлигини аниқлашди.**



Муз қатламларининг эришидан ҳосил бўлган тунеллар узунлиги 100 км.дан ошади. Муз қатламлари остидаги тунеллар радарли сканерлаш усули орқали аниқланган. "Nature Geoscience" илмий журналининг ёзишича, муз қатлами остидаги сув йўлларини аниқлашда сунъий йўлдошлар орқали олинган фотосуратлардан ҳам фойдаланилган. Орбитадан олинган суратларда қалин муз қатламлари остидаги тармоқларни олимлар осонгина аниқлашган. Бу янгилик олимларга Антарктида музликлари тузилиши ҳақида янада батафсилроқ маълумотлар тўплашга имкон яратади.

*Интернет хабарлари асосида*
*Асила ИБРАГИМОВА тайёрлади*

Рангин дунё

# Эски пинакотека

***Мюнхен Германиядаги йирик шаҳарларнинг учинчиси ҳисобланади. Бавария маркази бўлмиш бу шаҳар Альп тоғлари яқинидаги Изар дарёси бўйида жойлашган. Туризм гўшаси сифатида дунёга танилган шаҳар қадимги иншоотлари, кўча-ю хиёбонлари, фестивалу байрамларидан ташқари ноёб тасвирий санъат асарларини ўзида жамлаган пинакотекалари билан ҳам машҳур.***







1528 йили Бавария герцоги Вильгельм IV боғидаги ёзги павильонни афсонавий ва тарихий мавзуга оид картиналар билан безаш ҳақида ўйлайди. У картиналарни қаердандир олиб келишни эмас, балки шу ернинг ўзида рассомлар томонидан чизилиши керак, деган талабни қўяди. Герцогнинг топшириғини бажариш мақсадида Мюнхенга Альтдорфер, Буркмайр, Бехам каби номдор немис рассомлари таклиф этилади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас рассомлар тарихий шахс ва миллий қаҳрамонлар акс этган картиналарни пинакотекага ҳадя этишди. Айнан 1529 йили герцогнинг ёзги павильони грекча "пинакотека", яъни картиналар галереяси номини олади.

Ўзининг узоқ йиллик фаолияти давомида Мюнхен пинакотекаси жуда кўп қийинчилик ва йўқотишларга гувоҳ бўлган. Айниқса, мамлакатда кечган жангу жадаллар туфайли пинакотека талон-тарож қилинди, нодир асарлар номаълум томонларга ташиб кетилди. Бироқ, Вильгельмдан кейинги герцог Альбрехт V анча санъатсевар чиқиб қолди. Унинг саъй-ҳаракати билан пинакотека янгидан янги картиналарга бойиди. Шундай бўлса-да, бизгача уларнинг айримларигина етиб келган. Галереянинг ундан кейинги эгалари ҳам уни баҳоли қудрат бойитишга ҳаракат қилишди. Пинакотека узоқ йиллик танаффусдан сўнг, яъни 1781 йили Карл Теодор томонидан боғ ҳудудида қурилган махсус галереяда ишини давом эттирди. Ўшанда 700 дан ортиқ тасвирий санъат асарлари галереянинг 8 та залидан ўрин эгаллаб, тез орада омма эътиборига ҳавола этилди.

Йиллар ўтиши билан галерея заллари пинакотека хазинаси учун торлик қилиб қолади. Шлейсхем, Нимфенбург, шунингдек, Мюнхен резеденцияларида сақланаётган нодир санъат асарлари янги бинога эҳтиёж сеза бошлайди. Шундан сўнг, архитектор Лео фон Кленце лойиҳаси асосида галереянинг янги биносини бунёд этишга киришилади. 1826 йил 7 апрель куни бино расман фойдаланишга топширилди ва пинакотекага тегишли барча картиналар шу ердан муқим ўрин эгаллайди.

Энг қизиғи, пинакотекада биронта ҳам ҳайкал, графика, амалий санъат намуналари, эски мебель ёки шунга ўхшаш буюмларни умуман учратмайсиз. Унинг деворларида картиналардан бўлак ҳеч вақо йўқ. Шу боис, томошабин бошқа нарсаларга чалғимай, бутун диққат-эътиборини экспозиция ва кўргазмаларгагина қаратади. Пинакотекада хаёл суриш ёки зерикиш мумкин эмас. Чунки, галерея сюрпризларга бой бўлиб, қаршингиздан кутилмаганда янги ва нодир санъат асарлари чиқиб қолади.

Пинакотека XX асргача ва ундан кейин ҳам галерея фондини бойитишда давом этди. Дунёга машҳур рассомларнинг асарларини харид қилиш анча мушкул бир даврда Мюнхен галереяси нақд учта - Эл Греко, Фр.Гварди ҳамда Ван Гог мўйқаламига мансуб асарларни қўлга киритди. Биринчи жаҳон уруши кечаётганига қарамай, музей фаолиятдан тўхтамади. Кетма-кетликда "Танбаллар мамлакатида" (П.Брейгел), "Вулқон, Венера ва Марс" (Тинторетто) ва "Қир манзаралари" (Я.Рейсдал) каби асарларни харид қилди. Иккинчи жаҳон уруши чоғида пинакотека жиддий зарар кўрди. Яхшиямки, ўшанда галерея асарлари ертўлада бўлган, акс ҳолда улар бизгача бус-бутун етиб келмаган бўларди. Пинакотека биноси 1957 йили қайтадан тикланиб, фаолиятга топширилди.

Эски пинакотека немис рассомларининг асарларига бой бўлиб, улар орасида "Александр Македонский ва Дарий ўртасидаги жанг" картинаси энг ноёби ҳисобланади. Мюнхен галереясининг энг биринчи экспонати бўлмиш бу асар фақатгина бир марта ўз жойини тарк этган. Пинакотека бағрига қайтгунга қадар асар 15 йил давомида Наполеон қароргоҳини безаб турди. Мазкур асар галереяда шундай жойлаштирилганки, узоқда турган одамга ҳам яққол кўриниб туради. Асар муаллифи Альтдорфер табиат ҳодисаси ва инсонлар ўртасидаги жанг ҳолатини ўта моҳирлик билан ўзаро уйғунликда тасвирлаган. Картинадаги ҳар бир унсур, тоғу тошлар, оловли жанг майдони ниҳоятда жонли кўринади. Энг қизиғи, қуёш нурларини тасвирлашда рассом ҳақиқий тилладан ҳам фойдаланган.

Бу каби асарлар галереяда ягона эмас. Эски пинакотекадаги ҳар бир асар ўта синчковлик билан танланган. Шунданми, бу ерда Европа тасвирий санъат мактабларига оид энг сара ижод намуналарини учратиш мумкин.

**Зафар МУҲАММАД**

Эълон

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:**

**Гулистон шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан:**

1. "DODGE-CHARGER-SESXT" русумли, д/б 20 D 909 AA бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят, Гулистон шаҳар Низом Мулк Плюс МЧЖ омборида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт, бошланғич баҳоси — 43 963 803 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 20 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади, нархи сунъий равишда кўтарилиб сотилмаган тақдирда такрорий савдоси 2013 йил 31 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охирги муддати: бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автомототранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ "Турон" банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август.

**Тузатиш:** ***2013 йил 13 ноябрь, чоршанба кунидаги 44 (261)-сонидаги 7-саҳифасида, «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан эълонга берилган қисмининг 26-қаторидаги "автомототранспорт воситалари" сўзлари ўрнига "колбаса-гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари" деб ўқилсин.***

# Кўзгу

## Музейлар ойлиги

### Мозийдан садо

**Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ-музейида миниатюрачи рассом Абдуҳаким Каримовнинг "Обод турмуш йили"га бағишланган "Мозийдан садо" номли кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.**

Кўргазмага ижодкорнинг ўзи, фарзандлари ва шогирдлари томонидан тайёрланган 70 дан зиёд асарлар қўйилган. Экспозицияларда бой маданий меросимиз, миллий қадрият ва анъаналаримиз ўз аксини топган. "Шуҳрат" медали ҳамда Бадиий академиянинг Олтин медаль соҳиби, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси А.Каримов шу кунгача қатор шахсий кўргазмаларни ўтказди. — Кўргазмага ўз асарларини тақдим этган А.Каримовнинг миниатюра соҳасида эришган ютуқлари, асарларининг бадиий савияси, ҳар бир асар устида сидқидилдан ишлагани, мавзуни чуқур ўрганганини шундоққина сезилиб турибди. Шогирдларининг иши ҳам уникидан қолишмайди, - дейди Бадиий ижодкорлар уюшмаси миниатюрачи рассомлар шўъбаси раиси Хуршид Назаров.

### Дўстлик алоқалари мустаҳкамланади

**Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан "Корея гўзалликлари" деб номланган фотокўргазмаси очилди.**

Ушбу кўргазмага 50 дан зиёд фотосуратлар қўйилган бўлиб, уларда Кореянинг катта-кичик ороллари, Сеул, Пусан ва бошқа йирик шаҳарлари табиати манзаралари ва диққатга сазовор маданият масканлари, меъморий ёдгорликлари, корейс рақс санъати намуналари, миллий спорт кураши, йил фаслларининг ўзига хос гўзалликлари, Корея тарихининг айрим қирралари акс этган. Кўргазмага қўйилган экспонатлар ихлосмандларни бефарқ қолдирмайди. Мазкур кўргазма Корея табиати, машҳур туристик гўшалар билан таништирибгина қолмай, мамлакатлараро маданият ва туризм соҳасидаги алоқаларни кенгайтиришга, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

### "Умид" соврини муборак, Аббос!

**Яқинда Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Аҳмед Жубанов номидаги халқаро ёш ижрочилар танлови бўлиб ўтди.**

Икки турда ўтган танловда ҳамюртимиз, Глиэр номидаги Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейининг 7-синф ўқувчиси Аббос Раймалиев ҳам иштирок этди. У Д.Попперниг 22-этюди, Эккелснинг I-II қисм сонатаси, Ҳамидийнинг "Қозоқ вальси"ни маҳорат билан чалиб берди. Қурмонғози номидаги Қозоғистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган танловнинг II турида ёш мусиқачимиз "Каприччио" асари (Г.Гальтерман), Бах концертидан доминор II-III қисмини ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Танловнинг тақдирлаш маросимида виолончел сози бўйича энг нуфузли мукофотлардан бири — "Умид" соврини Аббос Раймалиевга топширилди.

**Мухтасархон КАРИМОВА**

## Мерос

# ЭГАРСОЗ УСТА



***Истиқлол шарофати билан бебаҳо, бой маданий меросимиз, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланди. Айниқса, қадимий ҳунармандчилигимиз ривож топмоқда. Эгарчилик — ота-боболаримиздан қолган ана шундай қадимий касблардан бири ҳисобланади.***

Нуроталиклар азалдан тўйларини кўпкарисиз ўтказишмаган. Кўпкари пойгаларида ўзган отларнинг донғи чор-атрофга дарров тарқалади. Бундай учқур отлар ғурур билан "Бойчибор", "Ғиркўк", "Саман" каби номлар билан аталган. Улоқ-кўпкари ўйинлари қадим-қадимдан халқимиз томонидан ардоқланиб келинаётган асрий анъаналаримизнинг узвий қисми ҳисобланади. Ушбу тарихий ўйинлар ҳақида гап кетганда беихтиёр одамлар ўзи шоҳиди бўлган кўпкарини иштиёқ ва кўтаринки руҳ билан эсга олади. Негаки, ҳалоллик, мардлик, шижоат, ғурур ва ор-номус каби миллий ва умуминсоний фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Кўпакарида чопиладиган отлар эгари ҳам энг моҳир эгарсозларга буюртма бериб ясаттирилган. Албатта, отда қулай ва мустаҳкам ўтириш, юк ташиш ёки чавандозлар улоқ чопишида эгарнинг ўрни беқиёс. От эгарлари қадимда моҳир усталар томонидан ўзига хос усулда махсус устахоналарда ясалган. Тарихий маълумотларга кўра, эгар ясаш милоддан аввалги 1 минг йилликнинг 2 ярми, яъни ибтидоий жамоа давридан бошланган. Милодий 5 асрдан эса эгарчилик ҳунар даражасига кўтарилган ва асрлар оша такомиллашиб борган. Эгар-жабдуқ билан шуғулланиш касби эгарчилик деб аталган. Қадимийлиги билан ажралиб турувчи ҳунармандчиликнинг бу тури асосан йирик шаҳарларда, Буюк ипак йўлида жойлашган ҳудудларда кенг ривожланган. Ҳар бир халқ ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб, отда юриш, юк ташиш, улоқ чопиш, от пойгаси ва спорти учун мўлжалланган махсус эгарлар ясаган. Бугунги кунда эгарчилик санъат даражасига кўтарилган. Ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз моҳир эгарсоз уста Нуротанинг Сойкечар қишлоғида яшовчи Рустам Ашуровдир. У эгар ясаш сир-асрорларини болалик чоғида отаси Ашур Мирашевдан ўрганиб, отамерос ҳунарни давом эттириб келмоқда. Сойкечарликлар ўрни келганда Рустам ака билан фахрланишади. Чунки у ясаган эгарларга талабгор чавандозлар жуда кўп. Улар тўппа-тўғри Рустам аканинг устахонасига кириб бораверадилар. Устахона эса нақ музейнинг ўзгинаси. Бир томонда арраланган, йўнилган ёғоч ғўлалар, бир томонда эгар бўлаклари...

— От эгарлари асосан бир-икки йил қуриган пишиқ тол ёғочидан пойтеша билан йўниб тайёрланади. Борди-ю ёғочни 12 қисмга бўлиб, эгарнинг ҳар бир қисмини алоҳида-алоҳида тайёрлаб олсангиз рисоладагидек эгар чиқади, - дейди Рустам ака. — Тайёр ҳолга келтирилган эгар қисмлари, қаттол-(эгарнинг ён томони), карсан(-ўриндиқнинг орқа томони), қош ва бошқа томонлари бир-бирига маҳкам қилиб бириктирилади. Сўқимга сўйилган қорамол, майда қўй ёки эчки пайлари олиниб, қуритилиб, болға билан ишлов берилади, яхшилаб туюлади. Туюлган пайлар уста Рустам ибораси билан айтилганидек, қўл билан худди "Каттақўрғоннинг ҳалвосидай" титилади. Терининг ўзидан елим тайёрланиб, эгарнинг барча қисмлари яхлит ҳолда майда титилган пай ва елим билан қоплаб чиқилади. Шундан сўнг эгар 10-15 кун мобайнида қуёш нурида ёки иссиқ жойда қуритилади. Бу пайт қорамол ёки туя териси юмшоқ бўлгунча ивитиб қўйилади. Юмшоқ ҳолга келган тери қуритилган эгар устига тортилиб яна 10-15 кун қуритилади. Кейин бир сантиметрлик мизлар билан тери қопланиб чиқилади. Айил тортиш учун икки томонидан айил кирадиган тешиклар ўйилади. От эгари шундан кейин тайёр ҳолга келади.





Яна устанинг айтишича, от эгарларининг пайланган, пайланиб тери билан қопланган, пайлангандан кейин оқ қайин пўсти билан тўсланган турлари ясалиб, суяк, темир, тасма ва мис симлар билан безатилади. Отни минганда эгар устига гиламча ташлаб олинади. Узанги эса оёқни сидиришдан сақлаб туради. Эгар айил, узанги, узангибоғ ва бошқа қўшимча воситалари билан бирга эгар-жабдуқ деб айтилади. От минган киши қулай ўтириши, улоқ ўйинларида икки ёнга эгилиш, улоқни тортиш, олдига олиб юриши учун эгарни қулай ҳолга келтириш ҳунарманд устадан кўп машаққат ва маҳорат талаб қилади.

Уста Рустам Ашуров эгарсоз ҳунарманд сифатида ўзининг ясаган эгарлари билан туман, вилоят ва республика кўргазмаларида ҳам қатнашиб туради. Уста Рустам ясаган эгарлар нафақат қўшни Самарқанд ва Бухоро вилоятлари, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида яшовчи чавандозларга ҳам ҳар томонлама қулайлиги, ихчам ва пишиқлиги билан маъқул келади. Ота касбини давом эттираётган уста бугунги кунда эгарчиликнинг сир-асрорларини ўғиллари ва шогирдларига ҳам ўргатиб, "устоз-шогирд" мактаби анъанаси ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Нуриддин РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши матбуот котиби**

## Спорт

# Сулоланинг муносиб давомчиси



***Спортнинг қайси бир тури бўлмасин барчада катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Миллий спорт турлари ичида ўзига хослиги билан ажралиб турувчи кураш миллий қадриятларимиздан бири саналади. Катта халқ сайиллари, байрамларини кураш ўйинларисиз тасаввур этиш қийин. Бугун ушбу спорт тури нафақат халқимиз, балки бутун дунё спорт ишқибозларининг диққат-эътиборида. Бугунги кунда Ўзбекистон ушбу спорт тури бўйича талайгина ғолиб ва чемпионларга эга. Ана шундай чемпионлардан бири, белбоғли кураш йўналишида қатор ютуқларга эришаётган ёш спортчи-талаба Нозимжон Иброҳимжоновдир.***

Нозимжон водийнинг энг гўзал маскани — Фарғонада дунёга келди. У нафақат ёш оилага янги меҳмон сифатида, балки полвонлар сулоласининг яна бир вакили — бўлажак чемпион сифатида ҳам яқинларига катта қувонч келтирди. Спортга бўлган муҳаббат уни Абдуваҳоб Мадраҳимов бошчилигидаги болалар тўгарагига етаклади. Дастлабки ғалабасини у шундай эслайди:

Спорт тўгарагига қатнашиб юрганимда устозим туманимизда Мустақиллик кунига бағишлаб ўтказиладиган байрам тантаналарида белбоғли кураш йўналишида спорт мусобақаси бўлиб ўтишини айтди ва унга тайёрланишимизни буюрди. Оиламизда отам ва тоғам халқ ичидан чиққан полвонлар сифатида эътироф қилинарди. Мен ҳам уларнинг муносиб давомчиси сифатида шу мусобақада ғолиб бўлишни жуда истардим. Ҳали белбоғли кураш ҳақида катта тасаввурга эга бўлмасамда, мусобақада иштирок этдим. Қарангки, омадим келиб, биринчиликни қўлга киритдим. Шу-шу миллий курашга бўлган қизиқишим чинакам иштиёққа айланди.

Аввалига қизиқишдан бошланган меҳр кейинчалик катта мақсадга айланиб, Нозимжон ўқишни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида давом эттирди. Унинг ҳаётидаги катта ўзгаришлар айнан шу кунлардан бошланди. Жумладан, Бухорода ўтказилган универсиадада белбоғли кураш бўйича 2-ўрин, жорий йилнинг июль ойида Қозон шаҳрида бўлиб ўтган XXVII Бутунжаҳон универсиадасида қўлга киритилган бронза медали, шу йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтиши кутилаётган жаҳон чемпионати учун ўтказилган саралаш босқичларидаги фахрли 1-ўрин унинг энг сўнгги ютуқлари қаторига киради.

XXVII Бутунжаҳон универсиадада Нозимжон белбоғли кураш, эркин услуб йўналишида 90 кг. вазн билан иштирок этиб, мусобақанинг дастлабки ўн кунлигида ғолиблар қаторидан жой олди. Дунёнинг 170 га яқин мамлакатидан 27 та спорт тури бўйича беллашган спортчилар қаторида у арманистонлик Карен Жаноян, грузиялик Рудолф Оганезов ва мўғулистонлик Отгонбаатар Лхагвасуренларнинг курагини ерга теккизиб, 3-ўрин, бронза медали билан тақдирланди.

Унинг спортда эришган ҳар бир ютуғи, аввало, юртимизда ёшлар ва спортга яратилган имкониятлар самараси, шунингдек, оиласининг қўллаб-қувватлаши, айниқса, отаси ва тоғасининг берган дўстона маслаҳати натижасидир. Қолаверса, мураббийи — халқаро спорт устаси Зоҳид Артиков бошчилигида ўтказиладиган машқлар, тинимсиз ва оғир меҳнат ҳар бир мусобақада улкан мактаб вазифасини ўтади.

Полвонимиз айни кунларда кураш бўйича Россиянинг Уфа шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Унинг ушбу мусобақадан кўзлаётган мақсади фақат ва фақат ғалаба, яъни мутлоқ чемпионликка эришишдир. Бунинг учун эса юртимизда яратилган шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш керак, холос. Нозимжонга ушбу катта рақобат майдонида улкан зафарлар тилаб, спортдаги маҳорати ҳакамлар томонидан ҳамиша юқори баҳоланишига умид қиламиз.

**Садоқат АЛИЖОНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Саримсоқ пиёз

**Табиий антисептик саналмиш саримсоқ пиёз таркибида 0,3 фоизгача алинин, 0,4 фоизгача эфир мойи, 0,06% атрофида ёғли мой, фитостерин, азотли моддалар, фитонцидлар ва катта микдорда аскорбинат кислотаси бор.**



Халқ табобатида саримсоқ пиёз ёрдамида мижоз сустлиги, ичак атонияси, колит, энтерит, ичбуруғ, гижжа касалликлари, гипертония, атеросклероз, битиши қийин жароҳатлар даволанади. Қолаверса, ҳазм ва нафас олиш органларида учрайдиган хасталикларда ҳам наф бериши кузатилган. Ҳозирги замонавий тиббиётда саримсоқ ва унинг препаратлари иштаҳасизлик, меъда-ичак йўли фаолиятини кучайтириш, чириш жараёнини камайтиришда кенг қўлланилади. Бундан ташқари, саримсоқ микробларга, бир ҳужайрали содда жонивор ва замбуруғларга қарши кучли таъсир кўрсатади. Фитонцид моддаларга бойлиги боис дифтерия таначалари, силмико бактериялар, стафилококклар, ичак инфекцияларини йўқотиш хусусиятига эга. Саримсоқ пиёзни юрак касалликлари, бош оғриғи, балғам кўчирадиган, заҳарни қирқадиган, ўт ва пешоб ҳайдовчи восита сифатида ишлатиш ҳам тавсия этилади.

## БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунда жаҳонда энг кўп ишлатиладиган "авиа" сўзининг «қуш» деган маънога эга бўлишида лотинча «авис» сўзи асос бўлган.

* * *

Австралияни ҳеч иккиланмай акациялар ўлкаси дейиш мумкин. Чунки бу дарахтнинг 500 дан ортиқ тури айнан шу мамлакатда ўсади. 20 мингдан зиёд ўсимлик турига эга Австралиянинг «яшил қитъа» деб аталиши ҳам шундан.

## ТУРФА ОЛАМ

# Гуллар фестивали

**ШУ ЙИЛНИНГ 29 ДЕКАБРЬ-5 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ ДАЛАТ (ВЬЕТНАМ) ШАҲРИДА АНЪАНАВИЙ ГУЛЛАР ФЕСТИВАЛИ ЎТКАЗИЛАДИ.**



Мазкур фестиваль Вьетнамда 2005 йилдан буён икки йилда бир ўтказиб келинмоқда. Гул байрамини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатга келаётган чет эллик сайёҳлар оқимини оширишдан иборатдир. Фестивалнинг тантанали қисми Суан-Хуонг кўли яқинидаги майдонда бўлиб ўтади. Гуллар фестивали доирасида орхидеялар паради, профессионал ва ҳаваскор флористлар кўргазмаси томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши кутилмоқда. Далат мамлакатнинг иқлими мўътадил гўшаларидан бири бўлиб, бу ерда эликка яқин компания ва 6 мингдан ортиқ шахсий хўжаликлар томонидан гулу ўсимликлар парваришланади. Маргаритка, атиргул, мимоза, чиннигул, гладиолус, орхидея каби маҳаллий иқлимга мослашган гуллар айнан шу ерда ўсади.

# Нафас орқали бошқарилади

**ЯПОН ОЛИМЛАРИ КОМПЬЮТЕР ЭКРАНИДАГИ КУРСОРНИ НАФАС ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ ИМКОНИНИ БЕРУВЧИ СИЧҚОНЧА ЯРАТИШДИ.**



Табиийки, бундай сичқонча имконияти чекланган инсонлар учун мўлжалланган. Нафас орқали бошқариладиган сичқончага махсус найча ўрнатилган бўлиб, фойдаланувчи унга пуфлаши лозим бўлади. Найчадан юборилган ҳавонинг кучига қараб компьютер курсори белгиланган йўналиш бўйлаб ҳаракатланади. Яъни, икки ўлчамда ҳаракатланувчи кусор кучли-кучсиз нафасни дарров илғайди ва оддий клик вазифасини ўтайди. Компьютер сичқончаси илк бор 1968 йили кашф қилинган бўлиб, ўшандан бери клавиатура тугмаларининг вазифасини енгиллаштириб келади. Тўғри, компьютердаги амалларни клавишлар ёрдамида бошқарса бўлади, бироқ сичқонча бу амалларни тез бошқариши билан афзаллик қилади-да.

**Зафар МУҲАММАД тайёрлади**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари:** Исмат ХУДОЁРОВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1119, Адади — 5924. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Муҳтарама КОМИЛОВА,
**Навбатчи:** Шаҳзод ҒАФФОРОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.00.
*ISSN 2010-7714*
1 2 3 4 5